

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 22 март, шанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 56 (11.117)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги шаҳзодаси Ал-Валид бин Талол бин Абдулазиз Ол Саудни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон Саудия Арабистони билан ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.
- Наврўз байрами арафасида Қарши шаҳрида янги дўконлар тармоғи очилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг савдо ярмаркалари ташкил этилди.
- Наврўз байрами арафасида Самарқанд вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказида «Ижодкор-ихтирочи» кўрик-танлови ҳамда «Варрақлар байрами» мусобақаси ўтказилди. Ёшлар йили муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирларда вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этди.
- Нукусда «Аёллар ўртасида тадбиркорликнинг ривожланишида банкларнинг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Анжуман тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва тижорат банкларни томонидан амалга оширилаётган кредит сиёсатини тушунтириш мақсадида ташкил этилди.
- Чирчиқ шаҳрида Жанубий Корея ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Дайшин Мегатекс» янги қўшма корхонаси фаолият бошлади. Мазкур корхонада тайёрланаётган бежирим ва сифатли спорт кийимларига талаб ортиб бормоқда. Корхона маҳсулотининг 90 фоизини четга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.
- Наврўз айёми арафасида Олмалик шаҳрида фойдаланишга топширилган мўъжазгина деҳқон бозорига «Камалак» деб ном берилди. Мустақиллик кўчасида қад ростлаган бозорча 0,15 гектар майдонни эгаллаган. Шаҳарнинг Амир Темура кўчасида эса бир йўла тўртта савдо дўкони, учта маиший хизмат кўрсатиш уйи ҳамда дорихона иш бошлади.
- Сурхондарё вилоятининг Қизилқум туманида чигит экиш мавсумини сифатли ўтказиш масалаларига бағишланган кўргазмали вилоят семинари бўлиб ўтди.
- Нурота шаҳрида «Кўрғон-1» насос станцияси қурилишининг биринчи навбати якуланиб, 14 минг аҳоли яшаётган ҳудудларга тоза ичимлик суви етказиб бериш яхшиланди. Лойиҳанинг иккинчи навбати қурилиши ҳам амалга оширилган, Нурота шаҳридаги барча маҳаллаларда муаммо ҳал бўлади.

ЖАҲОНДА

- БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистондаги БМТ миссияси фаолият муддатини яна бир йилга узайтирди.
- Жорий йилнинг 19 февралда ўтказилган президентлик сайловида ғалаба қозongan Арманистоннинг янги Президенти Серж Саркисяннинг иннаугурация маросими 9 апрель куни бўлиб ўтади.
- Бельгияда И.Летерм бошчилигидаги янги Вазирлар Маҳкамасининг таркиби эълон қилинди.
- Исроил Президенти Шимон Перес Россия Яқин Шарқда тинчлик жараёнини таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини таъкидлади.
- Нью-Йорк штатида яқинда истеъфога чиққан Элиот Спитцернинг ўрнига тайинланган 53 ёшли янги губернатор Дэвид Патерсон иш бошлади. Ушбу сиёсий арбобнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, биринчидан, у Нью-Йорк губернаторлигига сайланган илк қора танли киши. Колаверса, Дэвид Патерсон АКШ тарихида штат раҳбарлигига тайинланган иккинчи кўзи охиш губернатордир.
- Болгария ҳукумати Косово мустақиллигини тан олди ва ушбу мамлакат билан элчи-хоналар даражасида дипломатик муносабатларни ўрнатди.
- Франциянинг собиқ бош вазири Доминик де Вильпен узоқ йиллар давомида тўплаган ноёб коллекциясини ким ошди савдосида сотиш йўли билан деярли 1 миллион еврога бойиди. Айтиш кераки, унинг коллекциясидаги кўплаб буюмлар Наполеон Бонапарт номи билан боғлиқ.
- Греция парламенти мамлакатда узоқ вақтдан бўйи давом этаётган касотин норозиликларга қарамай пенсия ислоҳоти тўғрисидаги янги қонунни қабул қилди.
- Шимолий Американинг «Индевор» шатли астронавти сўнги парвоз давомида тўртинчи бор очик коинотга чиқиб, ҳаво кемасини таъмирлаш ишларини амалга оширишди.
- Москвада Олий суднинг 85 йиллигига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.
- Австриянинг Боцен шаҳарчасида вазни 250 килограммлик, қурилиш ишлари олиб борилаётган пайтда топилган авиация бомбаси зарарсизлантирилди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра ушбу топилма ўтган асрнинг 40-йилларида АКШда ишлаб чиқарилган бўлиб, иккинчи жаҳон урушидан бери сақланиб келаётган экан. Бомбани зарарсизлантириш чоғида хавфсизлик юзасидан яқин атрофда жойлашган бинолардан 3,5 минг аҳоли эвакуация қилинди.

ЁШЛИК, ГЎЗАДЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, боғу роғлар, дашту далалар яшил либосга бурканиб, баҳор нафаси, кўшнинг тафти тобора кучайиб бораётган шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутаётган, янги кун ва янги фасл деб очилган, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмунини, кўрқу таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутаяди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Нега деганда, Наврўз табиат очилиши, уйғониш ва янгилиниш фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадимий, биз учун асл миллий, гоёт ардоқли ва эъзозли байрамдир.

Наврўз ўзига хос бетакрор бир олам бўлиб, инсон зотини табиат билан доимо уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашига даъват этаётган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзи ва белгисидир.

Айни Наврўз фаслида барчамиз ўзимизнинг табиат фарзанди эканимизни, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғлиқ теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканини бутун қалбимиз билан англаймиз ва беихтиёр юрагимиз гурур ва ифтихорга тўлаяди.

Мана шундай нурафшон лаҳзаларда, айнан баҳорга мансуб сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида халқимиз Наврўз неъматларини, байрам қувончини ўз яқинлари, ёру дўстлари билан баҳам кўради, дунёга қалбини, бағрини кенг очиб, пок ният ва орзуларини билдиради.

Мана шу файзли кунларда одамлар маҳалла-кўй, эл-юрт билан тотув бўлиб, бир-бирини қалб кўрини бағишлаб яшашига, беморлар, етим-есирлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кўмак беришига, табаррук кексаларимизнинг дуосини олишига интилади.

Бу ажойиб байрамнинг яна бир хислати шундан иборатки, у кундалик турмушда учраб тураётган гина-аламларни унутиш, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар келишига умид ва ишонч билан яшашига, жамиятимизни аҳиллик ва ҳамжихатликка чорлайди.

Бугун юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари маҳаллаларда, тураржойларда бу гўзал ва дилбар айёмни ягона оила бўлиб, катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Бу эса Наврўзнинг ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор экани, одамзотни фақат эзгулик ва яхшиликка даъват этишини яққол тасдиқлайди.

Хурматли юртдошлар!

Бугун юртимизда Ёшлар йили деб ном олган 2008 йилнинг Наврўзини кутиб олар эканмиз, барчамиз баҳор айёми, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғланиб кетганини яна бир бор ҳис этаймиз.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди. Айни шу кунларда фарзандларига атаб, уларнинг ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиши учун ниҳол экиб, боғ яратади.

Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ўз ёруғ келажакимизни авваламбор ёш оилалар, ёш авлодимиз тимсолида кўраемиз.

Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очик чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришига қодир эканига ишонч ҳосил қилаемиз.

Уларнинг ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини кўриб, беихтиёр барчамизнинг кўнглимиз гурурга тўлади, тоғдек кўтарилди.

Бугун мана шу муҳташам майдонда, Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланган, юзидан, кўзидан қатъият ва шижоат порлаб турган сиз, азиз ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча муҳтарам меҳмонларимизни Наврўз байрами билан табриклаб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиромимизни билдиришига, узоқ-яқин қўшни ва ҳамкор хорижий дўсту биродарларимизга қизгин салом ва табрикларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошларим!

Бугун, мана шу унутилмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз энг аввало Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлмиш захматкаш деҳқонларимизни кутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилақларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўпайсин!

Ҳар бир оила, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарқ этмасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Она диёримизда фасллар келинчаги — баҳор кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Борлиқдаги янгилиниш, яшарин овоз ва обод Ватанимизга Наврўзи олам кириб келганидан мувжад беради. Эзгулик, мухаббат, хайр-саховат, шафқат ва шафоат айёми қалбларга олам-олам сурур, янгидан-янги орзу-хаваслар бахш этади.

Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сийҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилақлари билан Наврўз шодиёналарига қадам кўймоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлолимиздан олдин Наврўз тикланди. Мустақиллик йилларида эса бу байрам изчил ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиди ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари намоён бўлди.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамаона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчи-хоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.


Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Майдон узра қарнай-сурнай ва ногоралар садоси таралиб, Наврўз сайли бошланганидан дарак бўлади.



Халқимиз доим Наврўзини ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутиб олади. Бу гал ҳам шундай фусункор дамларда ёру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаятган ҳамюртларимизнинг дилларида қувонч, ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, осмонимиз мусаффолиги учун шукроналик туйғулари тугён ураётир.

Муаззам майдоннинг чор тарафида турфа ранглардаги байроқчалар хилпирайди, ҳаво шарлари майин эпкинларда тебранадади.

Буюк келажакимиз ворислари — саҳнада. Майдон жажжи болақайларнинг кулгуси ва шўх-хандон қийқириқлари тўлади. Болалар табассумига не етсин. Зотан, бу - бахтиёр болалиқдан, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувнок дамларидан, соғлом зурриётларимиз иқболдан дарак.

Наврўз ва Ёшлик — орасталик, гўзаллик, беғуборлик ва покизалик тимсолларидир. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга беқиёс шодлик, гурур ва ифтихор бағишлади, ўзига ишончини янада мустаҳкамлади, ҳиммат ва ғайрат камарини янада маҳкамроқ боғлашга руҳлантирди.

Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодин тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни авваламбор ўзимиз учун, ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришига қодир фарзандларимиз учун қурмоқдамиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади. Шу маънода, Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури ҳар томонлама соғлом авлодин тарбиялаш йўлида навбатдаги залворли қадам бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛИК, ГЎЗАДЛИК ВА МЕХР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Миллатнинг дардларига дармон бўлмақ вазифингиздир" — бу ҳикматли шior шавкатли бобокалонимиз Амир Темур маънавияти дурдоналаридан. Фарзанду набираларимиз билан фахрлини истасак — улар соғлом, дуркун, баркамол, замонавий билим ва тажрибага эга, йимонли-этиқли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўнмас из қолдирган буюқ аждодларимизнинг ишларини давом эттира оладиган инсонлар бўлиб камолга етишишларига эришимиз лозим.

Ўзбекистонда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ва амалий мақсадга жавоб беришдан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳаси бошқарув тизимининг барча бўғинлари қайта қўриб чиқилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи доира-сида даволаш-профилактика муассасалари тармоғини қайта ташкил қилиш, вилоятларда катталар ва болалар учун кўптармоқли тиббиёт марказларини барпо этиш, туманлар миқёсидаги тузилмаларни тақомиллаштириш, қишлоқ врачлик пунктларини мустақамлашга доир ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳоли соғлигининг мустақамлашиши, кишиларимиз умр кўриш даражасининг ортishi, оналар ва болалар ўлимнинг кескин камайishi, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида кўлга киритилган ютуқларимиз БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ сингари халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини, хусусан, соғлом зурриёт ва соғлом авлод тарбиясини кўлаб амалга оширишга доир ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли ўзлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт уйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги сайй-ҳаракатлар туфайли, бир томондан, болаларимиз замонавий шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда жисмоний чинқайтган бўлса, бошқа томондан, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарётган навқирон ва забардаст спортчиларимиз етишиб чиқмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, биргина ўтган йили юртимизда 170 болалар спорт объектi, жумладан, 27 спорт иншооти, 143 мактаб спорт зали барпо этилганини кайд этишнинг ўзи кифоя.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш буйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши эса жажжи фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусика маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда...

Халқимиз азалдан тўй ва шодийналарни алоҳида таратдуд билан қарши олади. Бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик, саховат ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлари янада юксалтириш, умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли тураржойларини ободонлаштириш мақсадида бу йил юртимизда март-апрель — ободонлаштириш ва кўкамзоллаштириш ойлари деб эълон қилинган ҳам Наврўз байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришда катта аҳамият касб этди.

...Майдон узра майин наво таралади. Мусикий оҳангларга қушлар чучури, жилга-сойларнинг жилдираши — баҳор ишвалари уйғунлашиб кетади. Ана шундай сеҳрли оҳанглар оғушида юртимизнинг хусн-малоҳатда тенгсиз табияти, бетакорр қадимий обидаларини замонавий меъморчилик анъаналари ассосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрқу тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ота-боболаримиз бундай кунларда етимесир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик кўрсатишга шошилган, гина-қудуратлар унутилган. Буни ҳаётимизнинг барча баҳбашларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намойён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи тўла тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида миллатимиз тийнатиға хос ана шу инжа хислатлар қайтадан кадр топди. Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини юналга қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатлари ривож топмоқда.

Дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўли-тимизнинг негизиде турган машҳур беш та-мийлдан бири қўли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборат. Ана шу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида ижтимоий соҳага йўналтирилётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий ҳаражатларига нисбатан 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгиланган. Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол экани жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф этмоқда.

...Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан ислом дини маданияти бе-

шикларидан бири сифатида машҳур. Буюқ аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятининг кўплаб соҳалари тараққиётга қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё ахли кенг эътироф этган. Мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор ва гамхўрлик кўрсатилмоқда. Буюқ аллома ва азиз-авлиёларимиз муқаддас қадимжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айнақса, ёшларимиз онгига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида гоёт катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ва ушбу мўътабар гўша халқимизнинг буюқ бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосининг ёрқин намойиғи айланди. Самарқанд шаҳрининг 2750, Марғилоннинг 2000 йиллик қутлуг тўйлари кенг нишонлангани

ёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг бадий чиқишлари қалбларни фаҳрга тўлдирди. Мамлакатимизда ягона оила фарзандларидек истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан ортққ миллат ва элат вакилларининг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз ижодий салоҳиятини намойён этиши учун барча шароит яратилган.

Ҳамжихатлик, ташаббускорлик ва ҳалол меҳнат улуғланган юртда барака бўлади. Бунй ўтган йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсишининг барқорор суръатлари таъминлангани — яли ички маҳсулот 9,5 фоизга кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда инвестиция муҳити яхшиланиши натижасида ўлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялардир.

Бу каби юксак иқтисодий натижалар самараси туфайли аҳолининг реал пул даромадлари бир йилда 27 фоиздан

модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусий бизнес учун қулай шароит яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини изчил оширишни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади.

Бундай сайй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек эзгу ниятлар муҳасаса.

...Майдон қувончу шодликлар фавворасига менгазайди: хофизу хонандалар хониши, раққосалар хироми кўнгилларга фараҳ улашади. Кишилар дорбозу морбоз, масҳарабозу кўғирчоқбозлар баҳси, пойга, кураш, мерганлик томошаларидан завқланилар. Дастурхонлари баҳорий таомлар безайди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Давлатимизнинг ташки сиёсатида Ўзбекистон манфаатлари устувор аҳамият касб этди. Бу борада хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик, очик мулоқот йўлидан собит бормоқда. 2007 йилда мамлакатимизнинг ўзаро ҳамкор давлатлар билан савдо-сотик муносабатларини фаол ривожлантириши натижасида экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 40,7 фоизга ортди, импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Бу, ўз навбатида, ўтган йил якунлари буйича ташки савдо айланмасида 3,5 миллиард доллардан ортққ миқдорда ижобий сальдога эришилди ва олтин-валюта захираларимизни 1,5 баробар кўпайтириш имконини берди.

...Навқирон авлод вакилларининг Наврўз шодийналарига бағишланган қўшиқ ва раққосларидан кўнгиллар яйрайди. Даврага фазил ва тароват бахш этиб қуйлаётган, қувноқ раққ тушаётган ўқтаму дуркун ёшларимизга боқиб, Истиқлол тенгдошлари бу йил ўн еттинчи баҳорни, ўн еттинчи Наврўзни қаршилаётгани ҳақида ҳавас билан ўйлайсиз.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони юртимиз ёшлари томонидан ниҳоятда долзарб ҳужжат сифатида қарши олинди. Фармон келажакка қомил ишонч билан интилаётган навқирон авлод вакилларига гамхўрлик ва эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжатда, бир томондан, ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, иккинчи томондан, мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, учинчи томондан эса уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат омиллари пойдевори мустақамланган.

Ўтган йили ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзгорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилгани эътиборга молиқдир.

Шу каби қулайликлар ёш истеъдод соҳиблари — салоҳиятли, қобилиятли, баркамол фарзандларимиз учун анғидан-янги имкониятлар эшикларини очмоқда. Бугун турли жаҳбаларда олам узра донги ёйилаётган галиб ва музаффар ўғил-қизларимизни олқишлар эканмиз, қалбларимизда яна бир бор бетакорр Ватанимиз, унинг келажакка интилаётган иқтидорли ёшлари билан фахрланиш тўйгулири жўш уради.

Бугун Ўзбекистонимизда руҳи тетик, илғи тўқ, билиги бақувват, ҳар томонлама баркамол авлод воғга етмоқда. Бу соғлом авлод тимсолида келажакимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга лаёқатли, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш буйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва сунъан бўлишга қодир ёшларимизни — ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган халқимизнинг ўқтам ҳамда дуркун фарзандларини кўриб турибмиз.

...Хавода ранго-ранг шарлар ўчади. Халқ маросимлари ва миллий спорт уйинларидан сўнг элу юртимизни мадҳ этувчи, ўзликини улуғловчи ялларда халқимизнинг миллий ўзига хос фазилат ва хислатлари тараннум этилади. Санъат усталари, эстрада қолдузлари, ёш санъаткорларнинг ана юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусикий оҳанглар, дилтортар раққлар, фусқонор сахна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Шундай шуққли дамларда аждодлардан бизга, биздан авлодларга мерос шу Ватанга муҳаббат ва садоқат тўйғуси жону танимизга янада теранроқ сингаётгандек. Наврўз шодийналарининг жоизбаси, бутун кўрқу таровати ҳам аслида шунда!


Дилбар қўй-қўшиқ ва раққларга мушак-бозлик уланиб кетади...

Миллий бoғ йўлақлари бўйлаб туриш қандолат, ноз-неъматлар, миллий хунармандлик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Қўли ширин пазандалар сумалак, ҳалим сингари турфа таомлар билан сайил иштирокчиларини сийлайдилар.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайли давом этмоқда.

Фулор МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Д. Юсупов (ЎЗА) олган суратлар.

“ЁШЛИК” ТАБАЛАЛАР ШАҲАРЧАСИДА НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МУНОСАБИТИ БИЛАН “ЁШЛИК САЙЛИ” БАЙРАМ ТАДБИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



ЁШЛИК САЙЛИ

Президентимиз Ислор Каримов раҳнамоллиғида мамлакатимизда ёшларга пухта таълим-тарбия бериш, уларни ҳар томонлама баркамол шахс этиб воғга етказиш, жамиятнинг чинакам таянчи ва сунънига айлантириш мақсадида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий, ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тамомила янги қиёфа касб этган “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу ерда барпо этилган талабалар тураржойлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, шифо масканлари, замонавий Аҳборот-ресурс марказлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. “Ёшлар йили” Давлат дастури доира-сида бундай эзгу юмушлар қўлами тобора кенгаймоқда.

Наврўз тантаналарини кенг нишонланаётган шу кунларда шаҳарчада санъат усталари, ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Спортнинг теннис, арқон тортиш, кураш, армрестлинг, шахмат-шашка ва бошқа турлари буйича мусобақалар ўтказилди. “Наврўзга бағишланган энг яхши деворий газета”, “Энг пазанда гуруҳ” каби кўрик-танловлар ўтказилди.

— Баҳор яшариш, янгилавиш, ёшлик айёми, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти Назира Хамроева. — Наврўз нафақат ўйин-қулгу, шодийна билан, балки моҳиятдан биз, ёшларни меҳр-оқибатга, эзгулик, саховат ва бағрикенгликка ундаши билан ҳам қадридир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.



“NEXIA”НИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ТОПГАН «GENERAL MOTORS UZBEKISTAN» КЎШМА КОРХОНАСИ «ЎЗДЭСКОМПАКЗ»ДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИГА «NEXIA» НИНГ ЯНГИ МОДЕЛИНИ ҲАВОЛА ЭТДИ. БУ МАШИНАНИНГ БИРИНЧИ МОДЕЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎН ИККИ ЙИЛ ДАВОМИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН. ҲОЗИР ЭСА «NEXIA» НИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ МОДЕЛИ ШОҲСУПАДАН ЎРИН ОЛДИ.

Ушбу воқеага бағишланган тақдирот маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Санақулов мамлакатимиз Президентини Ислор Каримов ташаббусига қўра, қисқа вақт ичида Андижон вилоятининг Аска шаҳрида «ЎДЗУавто» автомобил заводининг қад ростлаганини қайд этди. Ўтган давр мобайнида ушбу корхона иқтисодиётимизнинг улкан салоҳияти тимсолига айланди. Бугун жонажон Ўзбекистонимизнинг ва кўллаб хорижий давлатларнинг йўлларида минглаб ўзбек автомобилларини, шу жумладан «Nexia»ни учратиш мумкин. Бу русумли автомобилга Россия, Озарбойжон, Қозоғистон, Беларусь, Молдова, Украина каби давлатларда айнақса талаб катта.



«Nexia» нинг янги тақомиллаштирилган моделида ўзгаришлар кўп. Ўзгартirilgan экстерьер ва салон машинага янги қўришни ва имкониятлар бахш этди. Янги «Nexia» нинг олдинги ва орқа бамперлари, ёритиш элементлари, хусусан, орқа ва олдинги фаралари, қайрилиш ва туманга қарши фаралар, радиатор панжаралари модификация қилинган, номер пешлавахси орқа бампердан юқюна қопқоғига қўйрилган, натижада «Nexia» автомобили кўркам ва замонавий қўришнига эга бўлди.

Туманга қарши янги фаралар ўрнатилган олдинги бампер катталаштирилган ҳаво ютигича эга бўлиб, у 105 топ қучига эга янги двигателнинг совутилишини таъминлайди. Олдинги ва қайрилиш фаралари ягона блокка бириштирилган. Асосий фараларнинг шаффоф линзалари автомобилга шарқона нафислик бағишлаган. Дивайнерлар автомобилнинг ишончилиги, ҳафсизлиги ва энгил бошқарилишини ва айна пайтда бетакорр услубини сақлашга муваффақ бўлган.

Тез кунларда истеъмолчилар янги ва айри пайтда, кадрдон «Nexia» нинг янги қиёфаси ва технологик хусусиятларига баҳо бериш имконига эга бўлади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири
ЎЗА олган сурат.

НАВРЎ — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎ НАФАСИ КЕЗМОҚДА, СУМАЛАК, ЛОЛАКИЗГАЛДОҚ САЙИЛЛАРИО ОРАСТАЛАШ ИШЛАРИ АВЖИДА. ТОЛПОУКЛАР ТАҚИЛГАН СОЧЛАРУ ЎСМАЛАР ТОРТИЛГАН ҚОШЛАР. АЖАБ, БАРЧА- БАРЧАСИДА ЎЗБЕГИМ БАҲОРИНИНГ АКСИ МУЖАССАМ.

Ха, жаҳоннинг ҳеч бир нуқтасида баҳорни бизчалик катта шодиёна ва ўзгача руҳда кутиб олмасалар керак? Маълумки Наврўз айёмида юртимиз келадиган сайёҳлар, пойтахтимиз меҳмонларининг кети узилмайди.

Оз бўлсада Ўзбекистонда яшаб ўзбеклар меҳр қўйган, улуғлаган урф-одатлар, қадриятлар ҳақида тасаввурга эга бўлган чет эллик тенгдошларимизнинг айниқса, Наврўз ҳақидаги фикрлари бизлар учун жуда қизиқ, албатта.

Линия АУФЕНБЕРГ, Германиялик талаба:
— Германияда ҳозир ҳаво булут, ёмғирли. Ўзбекистонда эса баҳор келиши билан қуёш ҳам ўзгача нур соча бошлади. Утган йили Наврўзда ўзбек қизлари мени Самарқандга таклиф қилишди. Менимча, меҳмондўстлик-

нинг ҳақиқий кўриниши шу бўлса керак. Биз кўк сомса, кўк чучвара, кўйинги ҳаммаси баҳорнинг қувватли ўсимликларидан тайёрланган таомларни маза қилиб едик. Ялпизли сомса менга жуда ёқди. Германияда топишнинг иложи бўлса, ҳар куни ялпизли овқат ердим.

Мартина РИЛГЛЕВ, Германиялик ўқитувчи:

— Баҳор келиши билан талабалар қачон сумалак олиб келишар экан, қачон сумалакка таклиф қилишар экан деб кутаман. Аввалига шундай катта қозонда пиширилаётган сумалакни кўриб бутун бир шаҳарга етади, дея ҳайрон қолгандим. Энг қизиқ томони, шунча сумалакни ширин қилишга кетадиган шакар мени ўйлантириб қўйганди. Бироқ ҳеч қандай шакарсиз ширин бўлишини эши-

тиб сумалакнинг мўъжизавий таом эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Бунақанги витаминни Германия тиббиёти ҳам кўрган эмас.

Рю СУЖАНГ, Жанубий кореялик талаба:

— Мен ўқишга келганда айни баҳор эди. Ҳаммаёқда гуллар, кўчатлар ўтказилаётганди. Худди эртақда бўладиган шаҳарни эслатарди. Бу ҳашар эди. Ўзбекистонга келиб биринчи еган овқатим ҳалим бўлган. Чунки паловни Кореяда ҳам еганман. Жуда ёғли, лекин ширин. Шунинг учун уни «чимчи» билан бирга егандим. Бу йил бизни ўзбек курсдошларимиз Фарғонага сумалак сайлига таклиф қилишди. Аввалига ушбу таомни эрталабгача пишириб чиқиш кераклигини эшитиб, ҳеч қандай қолмасмикан, дея ҳавотирландим. Бироқ сумалак билан овора бўлиб тонг отганлигини сезмай ҳам қолибман. Сумалакнинг мазаси менга жуда ёқди.

Нигора АБДУРАҲМОНОВА
ёзиб олди



Танловлар

ПЕДАГОГЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Куни кеча Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг 2007 — 2008 йилги Педагогик грантлар дастури ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Айтиш кераки, ушбу дастур кўп йиллик стажга эга бўлган, ўз ишига фидойи, ёш авлодни тарбиялашга муносиб хисса қўшаётган педагог ходимларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Иккинчи мартаба

да 19 миллион сўмдан зиёд маблағ топширилди. Педагогик грантлар республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган педагогларга уч йўналиш бўйича тақдим этилди. Яъни ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари, олий ўқув юрталари ва коллежлар ўқитувчилари ҳамда соҳада илмий ва амалий ян-

Мазкур соҳада 21 йилдан буён фаолият юритиб келаман. Педагог кадрларни рағбатлантиришга қаратилган ушбу грантни ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасига бағишланган ўқув қўлланмалар тайёрлаш учун сарфлайман.

— «Ижтимоий педагогика» мавзусидаги дарсликни яратишга қаратилган лойиҳам кўплаб ҳамкасбларимнинг излаишлари орасида ғолиб деб топилди, — дейди Тошкент Давлат педагогика университети ўқитувчиси, грант соҳибдори Нодира Эгамбердиева. — Бу грант мен учун катта аҳамиятга эгадир. Ижтимоий муҳофаза давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда, табиий фанларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Лойиҳам ёш педагог кадрлар учун яхши дарслик, қўлланма бўлишига ишонаман.

Ўйлаймизки, бу каби мукофотлар ўқитувчи педагогларнинг янада самарали фаолият юритишига ҳамда республикамиз таълим тизимида янги ютуқларнинг қўлга киритилишига туртки бўлади.

Юлдуз РИЗАЕВА
Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар

«СЕРГЕЛИ СУПЕРМАРКЕТИ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимиз ва соҳа ходимларини баҳор ва янгиликни айёми — Наврўзи олам шодиёналари билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ кунларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга қут-барака, юртимизга фаровонлик тилаб қоламиз.



«СУВОНОВ» ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРНИНГ «СЕЛЕНА» ДЎКОНИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини қутлуғ айём —

НАВРЎЗИ ОЛАМ ПЛАНПАНЛАРИ БИЛАН ПЛАТРИКЛАЙДИ.

ЮРТИМИЗНИ ФАЙЗУ БАРАКА, ДИЛЛАРИМИЗНИ ҚУВОНЧ, ШОДЛИК ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН, АЗИЗЛАР!




АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, СЕРКУЁШ ДИЁРИМИЗНИНГ ҚАДРАИ МЕҲМОНЛАРИ, НАВҚИРОН, БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ

БАРЧАНГИЗНИ БАҲОРИЙ БАЙРАМ, ЯНГИЛИКНИ ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.

Йил бошидаги ёруғ ўйлар, пок ниятлар «Ёшлар йили»да албатта амалга ошсин, жаннатмонанд Ўзбекистонимиз фақат ютуқ ва юксалишларга бой бўлсин!

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими.



«МЕҲРИ ТУРОН»

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни гўзал ва бетакрор айём —

Наврўзи олам

билан чин юракдан табриклайди.
 Ҳамиша хонадонингиз обод,
 дастурхонингиз файзли, кўнглингиз шод
 бўлишига, эзгу ниятларингиз ижобат
 топишига тилакдошимиз.



Футбол янгиликлари

ЖАМОАЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ТОШКЕНТНИНГ «КУРУВЧИ» ВА «ПАХТАКОР» ЖАМОАЛАРИ ҚИТЪАМИЗДАГИ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАСИ — ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА. ҲАР ИККИ ЖАМОАМИЗ МУСОБАҚАНИНГ ГУРУҲ БОСҚИЧИДАГИ ИККИНЧИ ТУР УЧРАШУВИДА ДАСТАБКИ ОЧКОЛАРИНИ КЎЛГА КИРИТДИ.

Пойтахтимиздаги «МХСК» стадионида «Сепакон» (Эрон) футболчиларини қабул қилган «Курувчи» жамоаси мухлисларни хушнуд этди. Учрашув ўзбекистонлик чарм тўп усталари устунлигида ўтди. Лекин ўйиннинг биринчи ярмида футболчилар ҳарчанд ҳаракат қилмасин дарвозаларни ишғол қилишнинг имкони топилмади.

Учрашувнинг иккинчи бўлими анча қизиқарли кечди. Олтмиш учинчи дақиқада келиб ҳамюртларимиз самарали ҳужум уюштиришди. Мохир ярим ҳимоячи Сервер Жепаровнинг аниқ тўп узатиши натижасида Улғубек Бақоев рақиб дарвозасини ишғол қилди. Бу нуфузли мусобақада илк маротаба қатнашаётган «Курувчи» жамоасининг халқро майдондаги биринчи голи сифатида тарихда қолди.

Бир тўп фарқи билан ҳисобда олдинга чиқиб олган Миржалол Қосимов шогирдлари ҳужумкор ўйин тактикасини ўзгартириб, асосий этиборни ҳимоя ва қарши ҳужумга қаратди. Бош мураббий тутган йўл ўз самарасини берди. Ўйин якунланишига ўн дақиқа қолганида «Сепакон»нинг икки ҳимоячисини доғда қолдирган Темур Копадзе жамоасининг иккинчи голини киритиб, галабани мустаҳкамлади.

Қолган дақиқаларда эронликлар «Курувчи» дарвозаси томон бир неча хавфли ҳужум уюштиришди. Лекин шу кунги ишончли ўйин кўрсатган иқтидорли посбон Мурод Зухуров ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолиб, жамоасининг 2:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Осиё чемпионлар лигасида дастлабки уч очкони кўлга киритган «Курувчи» футболчилари навбатдаги учрашувни 9 апрель кун сафарда Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоасига қарши ўтказди.

Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» иккинчи тур учрашувида «Ал-Гарафа» (Қатар) футболчилари меҳмони бўлди. Ҳар икки жамоа аввалги турда очко йўқотганлиги сабабли навбатдаги учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиш мақсадида тўп сурди. Айниқса, яқиндагина Қатар чемпионлигини кўлга киритган «Ал-Гарафа» футболчилари стадионга келган ўн мингдан зиёд мухлисини яна бир қарра хушнуд қилиш ниятида ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан «Пахтакор» дарвозаси сари ҳужум уюштиришга ҳаракат қилди.

Маҳорат ва тажриба бобида мезбонлардан қолишмаган пахтакорчилар қисқа фурсат ичида ташаббусни ўз томонига оғдирди. Айниқса, моҳир ярим ҳимоячилар — Акмал Холматов ҳамда черногориялик легионер Дарко Маркович майдон марказида фаол ўйнади.

Ўйиннинг иккинчи ярми биринчидаги нисбатан анча шиддатли бўлди. Эллик еттинчи дақиқасида «Пахтакор» ҳимоячилари кўпол хатога йўл қўйди. Бунинг оқибатида «Ал-Гарафа»нинг ироқлик легионери Юнус Махмуд аниқ зарба билан ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Вазиятни тенглаштириш мақсадида олдинга ташланган пахтакорчилар олтинчи бешинчи дақиқада келиб, мезбонларнинг қарши ҳужумини ўтказиб юборди. «Ал-Гарафа» шарафини ҳимоя қилаётган бразилиялик Клемерсон ҳимоячиларимизни доғда қолдириб, Игнаций Нестеров дарвозасига иккинчи голини киритди.

Тошкентлик чарм тўп усталари ҳисобда икки тўп фарқи билан ортда қолишига қарамай, вазиятни ўнглаш илтижиди яна ҳужумга зўр берди. Ниҳоят, ўйин якунланишига чамаси йигирма дақиқа қолганида ҳужумчиларга ёрдамга келган жамоа сардори Асрор Алиқулов ҳисобдаги фарқни қисқартиришга муваффақ бўлди.

Пахтакорчиларнинг голидан сўнг жамоамиз ҳимоячиси Камолитдин Тожиев майдондан четлатилди. Кўпчилик мухлису мутахассислар бир ўйинчи кам бўлиб ҳаракат қилаётган «Пахтакор»нинг тақдирга тан бериб, маълумиятни тан олишини кутганди. Лекин жамоа бош му-

раббийси Равшан Хайдаров ўйинга ака-ука Зайниддин ва Фарход Тожиевларни туширди.

Айнан ака-укаларнинг самарали ҳаракати натижасида ҳисоб тенглаштирилди. Етмиш еттинчи дақиқада рақиб ҳимоячилари ва дарвозабонини ожиз қолдирган Фарходнинг зарбаси дарвоза устунига теғди. Устундан қайтган тўпни Зайниддин Тожиев дарвоза тўрига жойлаб, жамоасига галабага тенг бўлган дурангни тақдим этди — 2:2.

«D» гуруҳидаги иккинчи тур натижаларига кўра, тўртта жамоа ҳам кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб турибди. «Пахтакор» футболчилари гуруҳдаги учинчи тур учрашувини 9 апрель кунги пойтахтимиздаги «Марказий ҳарбий спорт клуби»да Ироқнинг «Арбил» жамоасига қарши ўтказди.

МАМЛАКАТ КУБОГИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАСИНИНГ ДАСТАБКИ САРАЛАШ БОСҚИЧИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН КЎЙИ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ 1/16 ФИНАЛ БЕЛЛАШУВЛАРИДА ТЎП СУРДИ. МАЗКУР БОСҚИЧДА УЛАР ҚАТОРИГА МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИМИЗНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ҚАТНАШАЁТГАН ЖАМОАЛАР ҲАМ КЎШИЛДИ. МУСОБАҚА ҚОЙДАСИГА КЎРА, ГОЛИБ БИТТА ЎЙИН НАТИЖАСИГА КЎРА АНИҚЛАНИБ, НИМЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ.

Учкудуқнинг «Сокол» жамоаси олий лига вакили «Локомотив»ни мусобақадан чиқариб юборди. Учрашув ҳисоби саккизинчи дақиқада мезбонлар вакили Э.Седько томонидан очилди. Лекин тошкентликлар беллашувнинг иккинчи ярмида С.Ибодуллаевнинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни тенглаштирди.

Кейинги босқичга ўтадиган жамоа пенальтилар сериясида аниқланди. Унга кўра, 5:4 ҳисобида зафар кучган учкудуқликлар Ўзбекистон кубоги учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Тошкентда ўтказилган «НБУ-Осиё» ва Андижоннинг «Андижон» жамоалари ўртасидаги беллашувда ҳам ҳисоб очилмагани боис голиб пенальтилар бўйича аниқланди. Унда омад водийликлар томонида бўлди ва 4:3 ҳисобида галаба қозонган «Андижон» навбатдаги босқичга йўлланма олди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал-2» (Муборак) — «ЎздонҒу» (Андижон) — 0:1, «Шайхонтоҳур» (Тошкент) — «Бухоро» (Бухоро) — 0:2, «Трактор» (Тошкент) — «Шўртан» (Ғузор) — 0:3, «Дўстлик-2008» (Жиззах) — «Насаф» (Қарши) — 0:1, «Динамо-01» (Қарши) — «МеталлурҒ» (Бекобод) — 0:3, «О Акбаров» (Яйпан) — «Олмалик кон-металлургия комбинати» (Олмалик) — 1:2.

Ўзбекистон кубогининг амалдаги соҳиби Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ва ўтган йилги мусобақада ярим финалга етиб борган «Курувчи» (Тошкент), «Машъал» (Муборак) ва «Нефтчи» (Фарғона) футболчилари беллашувларга нимчорак финалдан қўшилиди.

Боҳир БЕК

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ГУРУҲДА ИККИНЧИ

СИНГАПУРДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ «В» ГУРУҲИДА ВЬЕТНАМЛИК, ТАИЛАНДЛИК ВА СИНГАПУРЛИК ТЕНГДОШЛАРИГА ҚАРШИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРИШГАНИ МУХЛИСЛАРГА МАЪЛУМ АЛБАТТА.

Гуруҳнинг дастлабки баҳсида тайландликларга 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган ҳамюртларимиз кейинги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказишди. Гуруҳнинг кейинги учрашувларида аввалига сингапурликларни 3:1 ҳисобида енга олган терма жамоамизга вьетнамликларни ҳам 3:1 ҳисобида мағлуб этиш қийин кечмади. Ва терма жамоамиз гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади.

(Ўз муҳбиримиз)

Кўклам кўркамлигидан қалблари қувоничга
 тўлган азиз юртдошларимиз!

Умрбоқий Наврўз шодиёнаси барчангизга
 муборак бўлсин! Баҳор гўзаллиги ва
 таровати дилларингизни асло тарк этмасин.

«ПАХТАКОР — КОММУНАЛ»

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ
 ШИРКАТИ ЖАМОАСИ

МЕҲР-МУРУВВАТ, БАҒРИКЕНГЛИК МАСКАНИ

ЮРТИМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ КЕЗИБ ЮРГАН ШУ КУНЛАРДА БАРЧА МАҲАЛЛАЛАР, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА. АНА ШУНДАЙ МАЪРИФИЙ ТАДБИР ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ «ИСЛОМОБОД» МАҲАЛЛАСИДА ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мамлакатимизда маҳаллалар мавқеини янада юксалтириш, моддий-техник базасини ривожлантириш, улар фаолиятини янада кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бугунги кунда юртимизда салкам ўн мингга яқин маҳалла, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Давлат ва жамият ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини ўтовчи ушбу тизим тинчлик-осойишталикни сақлашга, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга, бағрикенглик, меҳр-мурув-

ват муҳитини мустаҳкамлашга, ёшларни миллий ва диний қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани эътиборлидир. «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашни қўлайитириш, улар манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни рўёбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси Абдуғани Азизовнинг таъкидлашича, «Исломобод»да беш минг-

дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладди. Турли миллат ва элат вакиллари билан иборат ушбу масканда баҳор байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Маҳалла ҳудудидаги таълим ва шифо масканларида ҳашар ўтказилди. Чор-атрофга мевали, манзарали дарахт кўчатлари экилди. Байрам арафасида тиббий ҳимояга муҳтож, кекса кишилар, серфарзанд, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди.

Тадбирда ёш оилаларга байрам совғалари топширилди.

Ў.А.

БАРЧАМИЗ УЧУН ҚАДРЛИ БЎЛГАН ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ, ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ БЎЛМИШ НАВРЎЗНИ АЙНИҚСА ИЖОДКОР АҲЛИ УЧУН ИЛҲОМ МАНБАИ ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. АЛБАТТА БАҲОРНИ, НАВРЎЗНИ ДИЛДАН МАДҲ ЭТИБ ЁНИБ, ЖЎШИБ КУЙЛАМАГАН САНЪАТКОР, ҚАЛАМГА ОЛМАГАН ШОИР ВА УНИ МАФТУНКОР РАНГЛАРДА МОЙБЎЁҚДА АКС ЭТТИРМАГАН МУСАВВИР БЎЛМАСА КЕРАК.



Кўргазмалар МОЙБЎЁҚДА НАВРЎЗ ОҲАНГЛАРИ



Наврўз айёми нафақат ижодкорлар, балки ҳар бир инсоннинг қалбига ажиб ва эзгу туйғуларни жўш урдирмоқда. Дарҳақиқат, Наврўз республикамизнинг маданий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу байрам янги йилнинг бошланишини, табиатнинг уйғониши ва янгилинишини, инсонлар ҳаётидаги янги меҳнат давларини ифодалайди.

Кўни кеча Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Наврўзга бағишланган янги кўргазма санъатсояв мухлислар эътиборини тортди. Мазкур кўргазмада таниқли мўйқалам усталарининг баҳорни тараннум этувчи она юрт манзаралари ҳамда миллий урф-одатлар, халқ амалий санъати турларига дахлдор асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазманинг умумий руҳи ўзиде борлиқни қувончи, ёруғ ҳамда шоирона хис этишини, инсон ва табиат, инсон ва санъатнинг ўзаро уйғунлигини акс эттиради. Табиатнинг, инсоннинг ички дунёсининг янгилиниши замонавий Ўзбекистон рассомлари асарларида янги мавзулар ва пластик изланишлар орқали майдонга чиқади ҳамда кўргазма экспозициясининг асосини ташкил этади. Концептуал йўналишнинг умумийлиги замирида рассомлар ишларини жанр, мавзу-

ва услубий хилма-хиллик фарқлантиради. Наврўзнинг мадҳ этувчи ушбу кўргазма миллий санъатимиз, унинг замонавий даврдаги ривож ва аҳамиятли жиҳатлари, ўзбек заманининг ўзига хос шоирона талқини ва гўзаллигини, миллий санъатимизнинг кўп асрлик бадий аъёнларининг сақланганлигини яна бир бор намойиш этади. Кўргазма томошабинлар учун нафақат бадий, балки улкан маърифий, ахлоқий аҳамиятга ҳам эга десак асло муболага бўлмайди. Мазкур кўргазмадан таниқли ўзбек рассомлари В.Ақудин, Ж.Умарбеков, А.Нур, Ж.Усмонов, Ф.Аҳмадалиев, И.Валихўжаев, В.Енин, Р.Ғаглоева, И.Васильева, Л.Ибрагимов, М.Исанов, Х.Зиёнонов ва бошқаларнинг тиник ва ёрқин бўёқларда Наврўзни тараннум этган асарлари ўрин олган. Кўргазмани томоша қилар экансиз, она дунёимизнинг гўзал ва мафтункор табиати ва манзараларини кўзатиб баҳор оҳанглирини юракдан ҳис этасиз.

Дилором ИКРОМОВА
 СУРАТЛАРДА: Наврўзга бағишланган кўргазмадан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

(Газетанинг навбатдаги сони 25 мартда чиқади)



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Ғ-206

Бош муҳаррир
 Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
 ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
 Матбуот ва ахборот
 бошқармасида 02-1-рақам
 билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
 офсет усулида босилади.
 4061 нухлада босилди.
 Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмазонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6